

Холиқова Моҳира Кундибаевна,
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги
«Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти
бўлим бошлиғи, фалсафа доктори, доцент

“LIFELONG LEARNING” ПАРАДИГМАСИ КОНТЕКСТИДА XXI АСР КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИНГ ДУНЁ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯСИ (КОНТЕНТ-ТАҲЛИЛ)

УЎК: 37.37.01

ХОЛИҚОВА М.К. “LIFELONG LEARNING” ПАРАДИГМАСИ КОНТЕКСТИДА XXI АСР КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИНГ ДУНЁ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯСИ (КОНТЕНТ-ТАҲЛИЛ)

Мазкур мақолада “Lifelong learning” таълим парадигмаси контекстида XXI аср компетенцияларининг дунё таълим дастурларига имплементацияси масалалари таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва тушунчалар: “Lifelong learning”, LLL-Platform, билимлар жамияти, ахборот жамияти, таълим, парадигма, компетенциялар, XXI аср компетенциялари, adult education (катта ёшдагилар таълими), андрагогика, инновация, имплементация, контент-таҳлил, маданиятлараро мулоқот, critical thinking (танқидий фикрлаш), конфликт-менежмент, лидерлик, таълим контенти.

ХАЛИКОВА М.К. ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ КОМПЕТЕНЦИЙ XXI ВЕКА В МИРОВЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ПРОГРАММЫ В КОНТЕКСТЕ ПАРАДИГМЫ “LIFELONG LEARNING” (КОНТЕНТ-АНАЛИЗ)

В данной статье проанализированы проблемы внедрения (контент-анализ) компетенций XXI века в мировые образовательные системы в контексте парадигмы “Lifelong learning”.

Ключевые слова и понятия: “Lifelong learning”, LLL-платформа, общество знаний, информационное общество, образование, парадигма, компетенции, компетенции XXI века, adult education (образование взрослых), андрагогика, инновация, имплементация, контент-анализ, межкультурный диалог, critical thinking (критическое мышление), конфликт-менеджмент, Leadership, контент образования.

KHALIKOVA M.K. IMPLEMENTATION OF THE XXI CENTURY COMPETENCES INTO WORLD EDUCATIONAL PROGRAMS IN THE CONTEXT OF THE “LIFELONG LEARNING” PARADIGM (CONTENT ANALYSIS)

The article discusses the problems of active implementation (content analysis) of the competencies of the 21st century in educational systems and curricula in the context of the Lifelong learning paradigm.

Key words and concepts: Lifelong learning, LLL platform, knowledge society, information society, education, paradigm, competencies, competencies of the XXI century, adult education, andragogy, innovation, implementation, content analysis, intercultural dialogue, critical thinking, conflict management, Leadership, educational content.

***Гўё абадий яшайдигандек
ўқиб-ўрганмоқ лозим.***

Отто фон Бисмарк¹

Кириш.

Ижтимоий педагогика, андрагогика, таълим менежментига оид замонавий тадқиқотларда XXI асда шахснинг касбий ва ижтимоий фаолиятига доир энг муҳим компетенцияларнинг ягона тизими мавжуд эмаслигини қайд этиш зарур.

Дунёнинг ривожланган давлатларининг олий таълим тизими, postgraduate education (олий таълимдан кейинги таълим), малака ошириш тизими ҳамда "adult education" (катталар таълими) "Lifelong learning" – "ҳаёт давомида таълим" таълим парадигмаси контекстида XXI аср компетенцияларини таълим контентига фаол жорий қилмоқда ҳамда ҳаёт давомида таълим концепцияси доирасида талабаларга, докторантларга, изланувчиларга, мутахассисларга, амалиётчиларга мўлжалланган таълим дастурларини ишлаб чиқмоқда. Шунингдек, ҳукуматлар, таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар, фондлар, муассасалар, ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз миссияси, корпоратив тамойилларидан келиб чиқиб, инновацион ёндашувлар, таълим трендлари, социологик тадқиқотлар, илмий ғоя ва назариялар асосида шахсда XXI аср компетенцияларини ривожлантиришга мўлжалланган кенг диапазондаги таълим дастурларини таклиф этмоқда.

Мавзунинг долзарблиги.

Билимлар ва ахборот жамиятининг глобал мақсадларидан келиб чиқиб, замонавий таълим инсонларнинг маънавий-ахлоқий ва профессионал қиёфаси тез суръатларда ўзгариб бораётган дунёнинг концептуал талабларига мос бўлишига йўналтирилмоқда. Ахборот жамиятининг ижтимоий-прагматик воқелиги компетенцияларга асосланган ёндашув ташкил этадиган ҳаёт давомида таълим парадигмасини дунё таълим тизимларига фаол татбиқ этишни тақозо этади. Шу муносабат билан социология, андрагогика, ижтимоий педагогикага оид илмий тадқиқотларда Lifelong learning таълим

парадигмаси контекстида XXI аср компетенцияларининг дунё таълим дастурларига фаол имплементацияси билан боғлиқ муаммолар долзарб аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.

Жаҳон ҳамжамиятида рақамли, "билимлар" иқтисодиётига ўтиш, ҳаётнинг барча соҳаларига инновацияларни жорий этиш туфайли содир бўлаётган трансформацион жараёнлар таълим парадигмасини амалга ошириш ёндашувларини ўзгартирди. 1972 йилда ЮНЕСКО томонидан эълон қилинган ҳаёт давомида таълим тамойиллари унга қўйиладиган талабларни белгилаб берди².

Замонавий ахборот жамияти дискурсида таълим етакчи роль ўйнайди, чунки у инновацион ривожланиш жараёнларининг ахлоқий-гуманитар компонентини ташкил этувчи қадриятлар тизими ва тамойилларини шакллантиради. Техноген жамиятнинг генезисида таълим ривожланиш омилига айланиб, капитал, меҳнат каби анъанавий маркерларнинг аҳамиятини камайтиради. Технологиянинг экспонент янгиланиши, "олтинчи технологик тартиб"га³ (когнитив технологиялар, ген инженерияси ва б.) ўтиш мутахассисларнинг рақобатбардошлиги даражасининг тизимли касбий компетенциялар билан таъминланишига, шу жумладан, уларни кенг спектрли курсда муваффақиятли қўллаш, қабул қилинган қарорлар учун масъулият, ижтимоийлашувига, доимий равишда таълим олиш кўникмаларига эътиборни қаратмоқда. Таълим парадигмаси алмашинувининг технологик тартибларга (ингл. techno-economic paradigm) боғликлиги масаласи йирик социологик тадқиқотларнинг объекти бўлиб хизмат қилган. Австриялик социолог, сиёсатшунос **Йозеф Алоиз Шумпе-**

² Образование: сокрытое сокровище (Learning: The Treasure Within). Основные положения Доклада Международной комиссии по образованию для XXI века. Издательство ЮНЕСКО. 1996

³ Нанотехнологии как ключевой фактор нового технологического уклада в экономике / Под ред. С. Ю. Глазьева и В. В. Харитоновой. — М.: Тривант, 2009. — 304 с.

¹ Е. Гехинский. Слово мудрости. Афоризмы, размышления, наставления. Книга первая. М.: Изд. Litres, 2021. ISBN 504334721X. <https://books.google.co.uz/books?id>

тер (Joseph Alois Schumpeter) инновацияларнинг ривожланиш босқичларининг дискрет хусусиятини қайд этади¹. Й.Шумпетер буни **“инновациялар тўлқини”** деб атади.

Постмодернистик жамиятда шахс ижтимоийлашувининг асоси ҳаёт сифатини оптималлаштириш учун касбий ва ижтимоий компетенцияларни шакллантириш, онгли ва узлуксиз шахсий камолот, атрофдаги воқеликка нисбатан муҳим тартибга солувчи императив сифатида ижтимоий масъулият ҳамда у билан узвий боғлиқ бўлган ахлоқ ва маънавият эканлигини таъкидлаш зарур. Шу билан бирга, дунёга очиқлик ва ижобий тафаккур, жамият томонидан қабул қилинган меъёрларга жавоб берадиган кенг билим, маънавий-ахлоқий мезонларга йўналтирилган самарали ижтимоий муносабатлар ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириш, касбий ва ҳаётий этикага асосланган ижтимоий ҳаракатнинг мақбул хулқ-атвор усуллари, жамият ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш, ижтимоий-маданий қадриятлар билан танишиб бориш каби омиллар ётади².

Lifelong learning - “ҳаёт давомида таълим олиш” концепциясининг назарий-методологик асослари ва базавий концептлари XX асрнинг 90-йилларида Майкл Хаттон (Michael Hatton)³, Ричард Эдварс (Richard Edwards)⁴, Робин Ушер (Robin Usher), Питер Саттон (Peter Sutton)⁵, Парсон тадқиқотларида ишлаб чиқилган. Lifelong learning (LLL) парадигмасининг ривожланишида 2000 йилда Лиссабонда (Португалия) бўлиб ўтган Европа саммити муҳим аҳамият касб этади. Саммит инсоният “билимлар даврига” кирганини эътироф этиб,

¹ Блауг М. Шумпетер, Йозеф А. // 100 великих экономистов до Кейнса. Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикс, 2008. — С. 333. — 352 с. — (Библиотека «Экономической школы», вып. 42). ISBN 978-5-903816-01-9.

² Плаксий С. И. Высшее образование: желаемое и действительное. — М.: Изд-во Нац. ин-та бизнеса, 2008. — 774 с.

³ Hatton M. A pure theory of lifelong learning // Hatton M. (ed.) Lifelong learning: policies, practices and programs. Toronto: APEC, 1997.

⁴ Edwards R. Lifelong learning // Field J., Leicester M. (eds.) Lifelong learning: education across the lifespan. London: Routledge, 2000. Pp. 3–11.

⁵ Sutton P. Lifelong and continuing education // Husen T., Postlethwaite T. (eds.) The international encyclopedia of education. Vol. 6. Oxford: Elsevier Science Ltd., 1994.

билимга асосланган иқтисодий ва жамиятга муваффақиятли ўтишни Lifelong learning парадигмаси билан корреляцияда кўради. Саммит томонидан қабул қилинган Меморандумда ҳаёт давомида таълим “билим, кўникма ва касбий малакани ривожлантириш мақсадида доимий равишда амалга ошириладиган кенг қамровли ўқув фаолияти”⁶ деб таърифланади ҳамда мазкур парадигма билимлар жамиятининг ижтимоий-иқтисодий трансформацияси талабларига мослашишга асосланади.

Шундай қилиб, бугунги кунда ҳаёт давомида таълимни тамаддун ривожининг муҳим шарти, *modus vivendi* (турмуш тарзи), глобал миқёсда билим олишнинг энг универсал воситаси сифатида тушуниш керак. LLL форсайт-таҳлиллар ҳамда кўпчилик экспертлар ва футурологлар томонидан башорат қилинган тобора кенг тус олаётган ишсизлик ва касбий хавфсизликка жавоб бўлиши мумкин. Ҳаёт давомида таълим шахснинг бутун ҳаёти давомида ўқишга бўлган эҳтиёжларини амалга оширишга қаратилган узлуксиз касбий, илмий ва маданий ўз-ўзини тарбиялаш жараёни бўлиши керак.

Мақоланинг илмий моҳияти. Замонавий ахборот жамиятида умр давомида таълим олиш индивидуал эҳтиёжлар зонасидан ижтимоий эҳтиёжлар соҳасига кўчди, ижтимоий императив шаклини олди. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб категориал императив сифатида шаклланиб келаётган мазкур концепция ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг ажралмас атрибутига айланди ҳамда кўп жабҳаларига бевосита таъсир кўрсатди. Узлуксиз таълим тектоникаси, жамият ва аҳолининг катта қисмини ўқитишнинг институционал ва ноинституционал шакллари иккинчи минг йилликнинг бошида глобал жараёнларнинг контурларини эгаллади, бу бизга мазкур ҳодисани нафақат миллий, балки глобал аҳамиятга эга бўлган муҳим ижтимоий феномен сифатида кўриб чиқиш учун етарли асос бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади “Lifelong learning” таълим парадигмаси контекстида XXI аср компетенцияларининг дунё таълим дастурларига фаол имплементациясининг контент-таҳлили

⁶ European communities: a memorandum on lifelong learning, 2000 / <https://uil.unesco.org/document/european-communities-memorandum-lifelong-learning-issued-2000>.

орқали амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объектини XXI аср компетенцияларининг илмий-назарий ва амалий аспекталари ташкил этади.

Тадқиқотда компаративистик таҳлил, контент-таҳлил, форсайт-таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг эмпирик манбани соҳага оид илмий-назарий ва социологик тадқиқотлар ташкил этади.

Асосий таҳлил ва натижалар.

Инсоният тараққиётининг янги босқичида ҳаёт давомида таълимни ижтимоий ҳодиса, тўртинчи саноат инқилоби, кейинги давр таълими ҳамда дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг узоқ муддатли тенденцияси, касбий муваффақиятнинг гарови сифатида кўриб чиқиш зарур. Ҳаёт давомида таълим парадигмаси классик таълимнинг макон-замон воқелигини амалда ўзгартириб юборди ва шу билан бирга билимларнинг чегараларини кенгайтириб, ахборот-таълим муҳитини янада чуқурроқ ва махсус илмий билимлар билан тўлдирди.

Дунёнинг ривожланган давлатларининг таълим муассасалари Lifelong learning таълим парадигмасини таълим контентига фаол имплементация қилмоқда ҳамда ҳаёт давомида таълим концепцияси доирасида талабаларга, докторантларга, изланувчиларга, амалиётчиларга XXI аср компетенцияларини ривожлантиришга мўлжалланган кенг диапазондаги ўқув дастурларини таклиф этмоқдалар. Европа Иттифоқининг “Ҳаёт давомида таълим” платформаси (The Lifelong Learning Platform) фуқароларнинг ҳаёт давомида узлуксиз таълими борасидаги билимлар, малакалар ва тажрибаларга асосланган умумий Европа ҳамкорлигини тарғиб қилади. Платформанинг миссиясида узлуксиз таълим кенг қамровли ўқув муҳитини ўз ичига олиши ва формал, ноформал ва информал шаклларда олиб борилиши, таълим турлари бир-бирини тўлдириши ва узлуксизлигини таъминлаши кераклиги тўғрисида хабардорликни ошириш муҳимлиги, таълим-тарбия мақсадлари нафақат фуқароларни иш билан таъминлаш, бандлик ва иқтисодий фаровонлик имкониятлари, балки шахсий ривожланиш стратегияси-

нинг асоси сифатида тавсифланиши зарурлиги фояларини акс этган.

Европа Кенгаши 1997 йилда компетенцияларнинг қуйидаги тизимини таклиф қилди: ўрганиш (тажрибани ҳисобга олиш; турли билимларни бир-бирига боғлаш ва тартибга солиш; ўз ўқув жараёнини ташкил қилиш; муаммоларни ҳал қила олиш; масъулия); излаш (маълумот олиш, турли хил маълумот манбаларини таққослаш; экспертларнинг фикрларини инобатга олиш); танқидий тафаккур; ноаниқлик ва мураккаблик шароитида фаолият олиб бориш); мулоқот; кооперация, ҳамкорлик; қарорлар қабул қилиш; низоларни бошқариш; ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмалари; тез ўзгаришларга нисбатан мослашувчанликни намоён этиш; янги ечимларни ишлаб чиқиш¹.

Европа Иттифоқи таълимнинг бир неча квалификация рамакаларини ишлаб чиққан. Уларнинг эътиборга лойиқ шакллари Европа малакалар доираси (European Qualifications Framework, EQF), Европанинг таянч компетенциялари рамакasi (the European Key Competences Framework) ҳисобланади.

Канада давлати 2014 йилда XXI асрнинг универсал компетенцияларини аниқлаш ва ўлчаш бўйича янги ёндашувни қўллади. Уларни таълим жараёнига татбиқ этиш зарурати саноат иқтисодиётидан “билимлар иқтисодиётига” ўтиш, турбулентлик ва ноаниқлик шароитида муваффақиятли ривожланиш учун компетенцияларни ривожлантириш каби бир неча омиллар билан изоҳланади. XXI аср компетенцияларини ривожлантиришнинг Канада модели қуйидаги 6 та компетенциялар гуруҳини ўз ичига олади:

- character education (ўзгарувчан ва ноаниқ шароитларда конструктив ҳаракат қилиш қобилияти сифатида “характер тарбияси”, қатъиятлилик, мослашувчанлик, шахсий ривожланиш қадриятлари);
- citizenship education (фуқаролик саводхонлиги компетенцияси);
- collaboration (ҳамкорлик);
- creativity (ижодкорлик);

¹ Hutmacher, Walo. Key competencies for Europe // General Report of the Symposium. Berne, Switzerland, 27-30 March, 1996. Council for Cultural Co-operation (CDCC) // A Secondary Education for Europe. Strasbourg, 1997. - 52-54 p.

- communication (мулоқот компетенцияси);
- critical thinking (танқидий фикрлаш) ва problem solving (муаммоларни ечиш кўникмалари).

Сўнги йилларда Онтарио, Британия Колумбияси, Альберта, Квебек провинцияларининг PISA бўйича натижалари ўқитувчиларнинг асосий компетенциялар бўйича касбий маҳоратини ошириш таълим олувчиларда компетенцияларни ривожлантириш имкониятларининг корреляциясида намоён бўлади¹.

Финляндиянинг миллий таълим стандартларида 7 та универсал компетенциялар ўз аксини топган:

- барқарор келажакни барпо этишда иштирок этиш;
- тафаккур, ўқишни ўрганиш;
- маданий компетенциялар, ҳамкорлик, мулоқот;
- ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш;
- мультисаводхонлик;
- IT-саводхонлик;
- карьера ва тадбиркорлик.

АҚШдаги энг қадимий (1817 йилда ташкил топган) ва дунёдаги энг нуфузли юридик мактаб ҳисобланган Кембриждаги (Массачусетс штати) Гарвард университетининг ҳуқуқ мактаби **Negotiation and Leadership (музокара-лар ва етакчилик) дастурини** таклиф қилади².

Дастур, хусусан, қуйидаги компетенцияларни шакллантиришга мўлжалланган:

- етакчилик кўникмалари;
- музокара олиб бориш технологияларини ўзлаштириш;
- музокараларда воситачилик;
- медиатив технологиялар;
- конфликт-менежмент (низоларни бошқариш).

Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университетининг³ (Россия) **компетенцияларни ривожлантириш ва тасдиқлаш Маркази** “компетенцияларни тасдиқлашнинг кўп босқичли дастури”ни (многоуровневая программа подтверждения компетен-

ций) таклиф қилади. Компетенцияларни ривожлантириш ва тасдиқлаш Маркази 2015 йилда илмий-тадқиқот ва таълим фаолиятини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган. Марказ миссияси ҳаёт давомида таълим жараёнида касбий ва шахсий компетенцияларни ривожлантириш асосида давлат, жамият, ходимлар, меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар, нафақадаги шахсларнинг фаровонлиги ўсишига шароит яратишдан иборат. Россия Федерациясининг таълими тўғрисидаги қонунининг мазкур қоидалари Дастурнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади: “Россия Федерациясининг барқарор ривожланишига йўналтирилган фуқароларнинг касбий ва универсал компетенцияларини изчил ривожлантиришга қаратилган ҳаёт давомида доимий равишда қўшимча таълим олиш учун шарт-шароитлар яратиш»⁴. Дастур таълим олувчиларнинг шахсий психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиши, амалиётга йўналтирилганлиги, кўп йўналишли ижтимоийлашувнинг татбиқ этилиши билан аҳамиятга молик⁵.

Ҳаёт давомида таълим институти (**Osher Lifelong Learning Institute, OLLI**) Делавер (АҚШ) университетининг таркибий тузилмасига киради. Ушбу институт катталар таълимига оид тадқиқотлар олиб борадиган, катта ёшдагиларнинг кооперацияси, ўзаро фикр алмашиш ва мулоқот қилиш учун мўлжалланган академик платформа бўлиб, унда 80 дан ортиқ индивидуал курслар, шунингдек 200 га яқин онлайн курслар режалаштирилган⁶.

Польшанинг ҳаёт давомида таълим марказларидан бири бўлган **Ягеллон университети** (Uniwersytetu Jagiellonskiego) мамлакатда очиқ таълимни тарғиб қилиш масалалари билан шуғулланади.

ЮНЕСКОнинг Ҳаёт давомида таълим Институти (UIL) ноформал ва информал таълим, катталар таълими ҳамда ҳаёт давомида таълим бўйича халқаро тадқиқот маркази ҳисобланади⁷. Институт Германиянинг Гамбург

¹ <https://ncee.org/center-on-international-education-benchmarking/top-performing-countries/canada-overview/>

² <https://www.pon.harvard.edu/category/courses-and-training/mediation-at-pon-online>. (дата обращения: 21.04.2021).

³ <https://unecon.ru>.

⁴ Об образовании в Российской Федерации : Федеральный закон от 29 декабря 2012 № 273-ФЗ [Электронный ресурс]. – URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_140174/.

⁵ <https://unecon.ru/centr-nepriyvno-go-obrazovaniya>.

⁶ <https://www.ollie.udel.edu/wilmington/>

⁷ <https://uil.unesco.org/unesco-institute/mandate>.

шаҳрида жойлашган. Мазкур институт ЮНЕ-СКОнинг таълим билан боғлиқ асосий тузилмаларидан бири бўлиб, lifelong learning учун глобал ваколатларга эга бўлган БМТ таркибидаги ягона ташкилотдир. Институт XXI аср таълими учун етакчи парадигма сифатида lifelong learning соҳасида яхлит, тармоқлараро ёндашувни қўллаган, катта ёшдагиларни ўқитиш, узлуксиз таълим, саводхонлик ва норасмий таълимга эътиборни қаратган ҳолда умрбод таълим олишни қўллаб-қувватлайди.

XXI аср кўникмалари йўлида ҳамкорлик ташкилоти (Partnership for 21st Century Skills, P21) 2002 йилда нотижорат ташкилот сифатида ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига миллий бизнес ҳамжамияти аъзолари, таълим бошқаруви вакиллари, сиёсатчилар, хусусан, Миллий Таълим Уюшмаси (National Education Association), АҚШ таълим вазирлиги (United States Department of Education), Apple Computer, Cisco Systems, Dell Computer Corporation, Microsoft Corporation кабилар кирган. P21 томонидан аниқланган XXI аср кўникмалари тизимига қуйидагилар киради:

- ижодийлик ва новаторлик;
- танқидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш (соғлом фикр юритиш; мураккаб қарорларни танлаш ва қабул қилиш);
- мулоқот ва ҳамкорлик қилиш (сўзлаш ва ёзиш орқали фикр ва мулоҳазаларни аниқ ва таъсирчан ифодалаш);
- умумий мақсадни амалга ошириш йўлида мурасага келиш учун мослашувчанлик ва толерантликни намоён қилиш;
- ахборот саводхонлиги;
- бошқалар билан тегишли ва маҳсулдор тарзда ишлаш (гуруҳларнинг жамоавий ақлий қобилиятидан зарур ҳолларда фойдаланиш);
- пешқадамли (лидерлик) ва б.¹

P21 кейинги тадқиқотлар давомида, шунингдек, **Four Cs** деб номланган компетенциялар тизимини тақдим этди:

1. Collaboration (ҳамкорлик).
2. Communication (мулоқот).
3. Critical thinking (танқидий тафаккур).
4. Creativity (ижодкорлик)².

¹ P21 Skills Archived 2010-03-06 at the Wayback Machine. Retrieved 2016-03-09.

² <http://www.21stcenturyskills.org>.

Хусусан, танқидий тафаккур (Critical thinking) оид дастлабки тадқиқотлар педагог, психолог **Жон Дьюи** томонидан амалга оширилган бўлиб, у мазкур жараённи талқин қилишда “рефлексив фикрлаш” атамасини қўллайди. Дьюи “...ҳар қандай ғоя ёки тахмин қилинган билим шаклини фаол, изчил ва эҳтиёткорлик билан кўриб чиқиш” жараёни³, дея баҳолайди ҳамда танқидий фикрлаш таълим олувчи маълум бир муаммоли вазият билан шуғуллана бошлаганда пайдо бўлишини уқтиради.

2015 йилда бўлиб ўтган Жаҳон Иқтисодий Форумида XXI асрда таълим муҳитини ташкил этишнинг долзарб муаммоларига бағишланган “Таълим бўйича янги қараш: технологик салоҳият” номли маъруза эълон қилинди. Унда XXI аср таълимида инновацион иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим бўлган компетенциялар мажмуи санаб ўтилган: Literacy and numeracy; Scientific literacy; ICT literacy; Financial literacy; Cultural literacy; Collaboration; Leadership; Social and cultural awareness⁴.

2012 йилда **Fortune** журнали ҳамда **Aon Hewitt** консалтинг компанияси лидерлар рейтингидagi компаниялар ўртасида сўров ўтказди ва уларнинг 74 фоизидан кўпроғи ўзларининг компетенциялар моделларига эга эканлигини аниқлади⁵.

Эмпирик ўрганиш натижалари.

Lifelong learning концепцияси ёшлар ва катталарнинг ҳаёт фаровонлигига ҳисса қўшадиган, ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган ва меҳнат бозорининг ўсиб бораётган талабларига жавоб беришда ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Lifelong learning контекстида XXI компетенциялари ижтимоий ва касбий ҳаётда давлат идоралари, корхона раҳбарлари, ходимлар, мутахассислар томонидан муваффақиятга эришиш учун талаб қилинадиган маҳорат, кўникма ва компетенцияларни ўз ичига олади.

³ Дьюи Дж. Психология и педагогика / Пер. с англ. Н.М. Никольской. — М.: Совершенство, 1997. — 208 с.

⁴ New Vision for Education Unlocking the Potential of Technology. World Economic Forum. Geneva. 2015. 32p.

⁵ Erin Wilson Burns, Laurence Smith, Dave Ulrich. Competency Models with Impact: Research Findings from the Top Companies for Leaders. 2012.

XXI асрда компетенцияга асосланган ёндашувни таълим тизимида имплементациясининг дунё тажрибаси универсал компетенцияларни шакллантиришнинг долзарблигини тасдиқлайди. Мазкур омил инновацион иқтисодиёт дискурсида бизнес моделлар, XXI асрга хос глобал тенденциялар ва етакчи компанияларнинг кутув ва умидларига мос келади.

Хулосалар.

Тадқиқот натижалари ҳаёт давомида таълим парадигмаси контекстида универсал компетенцияларни эгаллаш жараёни таълимнинг илк босқичларида бошланиб, ҳаёт давомида давом этиши зарурлигини хулоса қилишга имкон беради.

XXI асрда узлуксиз шахсий-касбий камолот, ўзгариб, ривожланиб бораётган глобал дунё ва ахборот жамиятининг концептуал талабларига мослашиш, рақамли трансформация, касбий ва ижтимоий фаолиятни самарали амалга ошириш қуйидаги энг муҳим универсал компетенцияларни талаб қилади: гуруҳларда самарали ишлаш, етакчилик, маданиятлараро мулоқот, шахслараро низоларни самарали бошқариш, рақамли технологиялар воситасида ҳамкорлик; рақамли контент яратиш; шахсий маълумотлар, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни сақлаш учун ахборот хавфсизлиги, танқидий фикрлашининг юқори даражаси, узлуксиз ўз-ўзини ривожлантириш, инновацион тафаккур, мақсадларга эришининг ностандарт усулларини тақдим қилиш, мослашувчанлик.

Глобаллашув дискурсида шароитида маданиятлараро мулоқот компетенцияси жараён субъектларининг маданиятлараро толерантлиги (бағрикенглиги)ни шакллантиради, глобал мультикультурализмга мослаштиради ҳамда тараққиётнинг муҳим атрибути ва маданиятлараро жараёнлар учун манба сифатида маданий интеграциянинг қуйидаги муаммоларини бартараф этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади: мулоқотда сўзловчининг маданий шартли хатти-ҳаракатларини етарли даражада тушуниш ва талқин қилиш; миллий-маданий ижтимоий тўсиқларни бартараф этиш; "маълум бир маданият маконига кириш, унинг

қадриятлари ва ҳаётий идеалларини тушуниш"¹ ва б.

Тадқиқотлар соҳа ривожига доир қуйидаги **таклифларни** беришга асос бўлади:

– ҳаёт давомида таълим парадигмаси аспектида андрагогика - катталар таълимини **2030 йилгача ривожлантиришнинг миллий доктринасини қабул қилиш;**

– **"Катталар таълими тўғрисида"**ги қонунни қабул қилиш;

– XXI асрга хос глобал тенденциялар ҳамда соҳага оид форсайт-таҳлиллар контекстида нетворкинг, коллаборация, маданиятлараро мулоқот, етакчилик, конфликт-менежмент, танқидий тафаккур, гендер сезитивлик, метадисциплинарлик каби универсал компетенцияларни умумий ўрта таълим, олий таълим, катталар таълими ўқув дастурларига фаол имплементация қилиш;

– Lifelong learning асосида узлуксиз таълимни кенг ва ҳар томонлама амалга оширилишини таъминлаш учун қонунчилик базаси ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– ўқув-дидактик ва технологик ресурсларга эга бўлган **Lifelong learning ўқув марказларини ташкил этиш;**

– Lifelong learning дастурлари доирасида билим ва компетенцияларнинг миллий малака доирасига мувофиқ тан олинishi, тасдиқланиши ва аккредитациясини такомиллаштириш, транспарентликни таъминлаш;

– глобал фуқаролик маданиятини тарғиб қилиш, оилаларни, жамоаларни, мигрантларни, инклюзив гуруҳларни таълим жараёнига жалб қилиш ва дискриминациянинг барча шакллари бартараф этиш; гендер тенглиги ва инклюзив таълимни ривожлантириш;

– таълимнинг хусусиятини меҳнат бозори талабларига мувофиқлаштириш, фуқароларнинг ишга жойлашиш бўйича ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш;

– фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик субъектлари билан фаол коллаборация;

– Lifelong learning таълим парадигмаси доирасида форсайт-тадқиқотларни амалга ошириш.

¹ Рейслер Л.А. Межкультурная компетенция и ее структура // Профессиональный проект: идеи, технологии, результаты. 2012. № 1. С. 59-67.

Адабиётлар рўйхати:

1. Дьюи Дж. Психология и педагогика / Пер. с англ. Н.М.Никольской. — М.: Совершенство, 1997. — 208 с.
2. Блауг М. Шумпетер, Йозеф А. // 100 великих экономистов до Кейнса. Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикс, 2008. — С. 333. — 352 с. — (Библиотека «Экономической школы», вып. 42). ISBN 978-5-903816-01-9.
3. Плаксий С.И. Высшее образование: желаемое и действительное. – М.: Изд-во Нац. ин-та бизнеса, 2008. – 774 с.
4. Рейслер Л.А. Межкультурная компетенция и ее структура // Профессиональный проект: идеи, технологии, результаты. 2012. № 1. С. 59-67.
5. Hatton M. A pure theory of lifelong learning // Hatton M. (ed.) Lifelong learning: policies, practices and programs. Toronto: APEC, 1997.
6. Hutmacher, Walo. Key competencies for Europe // General Report of the Symposium. Berne, Switzerland, 27-30 March, 1996. Council for Cultural Co-operation (CDCC) // A Secondary Education for Europe. Strasbourg, 1997. - 52-54 p.
7. Edwards R. Lifelong learning // Field J., Leicester M. (eds.) Lifelong learning: education across the lifespan. London: Routledge, 2000. Pp. 3–11.
8. Sutton P. Lifelong and continuing education // Husen T., Postlethwaite T. (eds.) The international encyclopedia of education. Vol. 6. Oxford: Elsevier Science Ltd., 1994.
9. Erin Wilson Burns, Laurence Smith, Dave Ulrich. Competency Models with Impact: Research Findings from the Top Companies for Leaders. 2012.
10. Нанотехнологии как ключевой фактор нового технологического уклада в экономике / Под ред. С. Ю. Глазьева и В. В. Харитоновой. — М.: Тривант, 2009. — 304 с.
11. Образование: сокрытое сокровище (Learning: The Treasure Within). Основные положения Доклада Международной комиссии по образованию для XXI века. Издательство ЮНЕСКО. 1996.
12. Е. Гехинский. Слово мудрости. Афоризмы, размышления, наставления. Книга первая. М.: Изд. Litres, 2021. ISBN 504334721X. <https://books.google.co.uz/books?id>.
13. European Communities: A Memorandum on Lifelong Learning, 2000 / <https://uil.unesco.org/document/european-communities-memorandum-lifelong-learning-issued-2000>.
14. <https://www.pon.harvard.edu/category/courses-and-training/mediation-at-pon-online>. (дата обращения: 21. 04. 2021).
15. <https://uil.unesco.org/document/malta-national-lifelong-learning-strategy-2020-issued-2015>.
16. <http://www.21stcenturyskills.org>.
17. <https://unecon.ru>.
18. P21 Skills Archived 2010-03-06 at the Wayback Machine. Retrieved 2016-03-09.
19. New Vision for Education Unlocking the Potential of Technology. World Economic Forum. Geneva. 2015. 32p.